
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон туманидаги ғаллачилик кластери фаолияти, кластер ҳамда фермер хўжалиklarининг ўзаро соҳавий муносабатларига оид хабар тарқалди. Хабарда “Фермерларнинг ҳаққини бермаслик учун тумандаги “Яйпан барака ғалла кластер” МЧЖ ғаллачилик кластерини банкрот қилиб юборишмоқчи” эканлиги иддао қилинади.

Мазкур ҳолат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

“Яйпан барака ғалла кластер” МЧЖ 2022 йил 3 август куни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва ҳозирги кунда унинг фаолияти тўхтатилмаган.

Мурожаатда таъкидланганидек “Фермерларнинг ҳаққини бермаслик учун кластерни банкрот қилиб юбориш” ҳақидаги хабар ҳақиқатга тўғри келмайди. Шу ўринда, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига корхонани ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризасига келиб тушмаганлиги ҳам аниқланди.

Ўрганишлар давомида ва бевосита ғаллачилик кластери таъсисчиларининг билдиришича, корхонанинг ҳақиқатдан ҳам тумандаги айрим фермер хўжалиklarидан ўзаро шартнома асосидаги маълум миқдордаги қарздорлиги мавжудлиги, шунингдек баъзи фермер хўжалиklarидан эса ҳақдорлиги аниқланди. Корхона томонидан мазкур қарздорликлар фермер хўжалиklarига тегишли тартибда тўлаб берилишига аниқлик киритилди.

2023-12-15 10:39:38